

**Тадбиркорлик субъектларига давлат хизмати кўрсатиш бўйича  
“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан амалга  
оширилаётган ишлар**

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг қарорларидан келиб чиқиб 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири:

- хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат улушини изчил камайтириш

- иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот – коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, “Электрон ҳукумат” тизими яратилишини тубдан жадаллаштириш; устувор вазифа қилиб белгиланган.

Албатта маърузамни биринчи Президентимизнинг сўзлари ва устувор вазифалардан бошлашим сабаби барчамизга маълумки мамлакатимиз иқтисодининг барқарорлиги бу кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқдир.

Хусусан, ўтган 2015 йилда биринчи Президентимиз томонидан кетма-кет қабул қилинган **«Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони ҳамда **«Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари**

тўғрисида»ги ПҚ-2412 сонли қарорларида тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш кўзда тутилган. Ушбу қарорида белгиланган **16 та хизмат турларидан учтаси қўмитага юклатилган.**

Юқордагилардан келиб чиққан холда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қулайликлар яратиш, кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Авваламбор: Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январда қабул қилинган "Кўчмас мулкга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1-сонли қарори қабул қилиниши мамлакатимизда айти пайтда ишбилармонлик мухитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолитини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиб, кўчмас мулкка булган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ тартиботлар сонини ва муддатларини қисқартириш имкониятини берди.

- Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича аризаларни ягона интерактив давлат хизматлар портали орқали амалга ошириш йўлга қўйилди.

- Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари **30 кундан 7 кунга қисқартирилди**, рўйхатдан ўтказиш жараёнлари **12 тадан 1 тагача камайтирилди**.

Бугунги кунда “Ягона дарча” марказлари орқали **3 та: давлат хизматларини кўрсатиш учун аризаларни қабул қилиш ва электрон ҳужжатларни тақдим этиш имконияти жорий этилди**. Булар:

**1. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ариза бериш;**

**2. Бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ариза бериш;**

**3. Ипотека шартномаси, ер участкаси, бино ва иншоотлар ипотекаси давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ариза бериш;**

Ушбу хизмат турлари **Интерактив давлат хизматлари ягона портали** орқали ҳам юридик ва жисмоний шахслардан аризаларни қабул қилиш алоҳида интерактив тарзда Республика бўйича йўлга қўйилган.

Тошкент шаҳар бўйича эса **Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали 7-та интерактив хизмат тури** йўлга қўйилган.

**1. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;**

**2. Нотурар бино иншоотлари шаклидаги кўчмас мулк билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотнома олиш;**

**3. Кўп қаватли турар жой шаклидаги кўчмас мулк билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотнома олиш;**

**4. Тошкент шаҳрида хусусий уй жой мавжудлиги ҳақида маълумотни олиш;**

**5. Кадастр хизматига адвокатлик сўровномаларни юбориш;**

**6. Юридик ва жисмоний шахсларни мурожаатлари;**

**7. Корхона раҳбарига қабулига электрон тарзда ёзилиш.**

Тизимда замонавий ахборот – коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва бу йўналишда чет эл инвестицияларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Корея давлати билан “Миллий географик ахборот тизимини яратиш” ҳамда

Жахон банки билан ҳамкорликда “Кўчмас мулк кадастри ва рўйхатдан ўтказиш тизимини интеграллашган ахборот тизимини яратиш” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳалар Мамлакатимизда жорий қилинаётган “Электрон ҳукумат” доирасида амалга оширилмоқда ва шакилланаётган 6 та компонентнинг 2 та сини ташкил қилади.

Ушбу лойиҳаларнинг қиймати 55 млн доллар бўлиб лойиҳалар амалга оширилиши натижасида Республикамиздаги миллий геоахборот тизими яратилади ва 5.5 млн дан ортиқ кўчмас мулкларнинг электрон базаси шакилланиб тегишли вазирлик идоралар билан маълумотлар интеграцияси йўлга қўйилмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу базани шакиллантириш мақсадида жойларда 4000 мингга яқин мутахассислар томондан тегишли ташкилотлар билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкларни ёппасига хатлов (инвентаризация)дан ўтказиш жароёнини йил охиригача яқунлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2750 сонли қарорида тадбиркор субъектларга 2018 — 2020 йилларда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини босқичма-босқич жорий этиш белгиланган. Шу ишларни янада соддалаштириш мақсадида ваколатли вазирлик ва идоралар билан электрон маълумотлар алмашувини йўлга қўйиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, “Давархитектқурилиш” қўмитаси, ИИВ билан интеграция ишлари режалаштирилган.

**Эътиборларингиз учун катта раҳмат!**

